



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИКАСАБА УЮШМАСИ
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши
ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган тармоқ жамоа келишувини тузиш
тўғрисидаги қарорига қўшимча киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 218-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 26 июндаги “Педагог ходимлар учун йиллик узайтирилган меҳнат таътили давомийлиги меъёрларини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 263-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизими ходимлари учун белгиланган йиллик узайтирилган меҳнат таътили ва қўшимча таътиллار давомийлиги Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг 2023 йил 30 мартдаги 9-к/қ, 9-21-с-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган тармоқ жамоа келишуви”(кейинги ўринларда-тармоқ келишуви)га илова шаклида тасдиқлансин.

2. Тармоқ келишуви)нинг 69-банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“69. Тегишли маълумотга, касбий тайёргарликка, маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Таълим ташкилотларининг педагог ходимларига ҳафтасига ўттиз олти соатдан ортиқ бўлмаган иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги белгиланади ва йиллик узайтирилган меҳнат таътили берилади.

Педагог ходимлар иш вақтининг йиллик узайтирилган меҳнат таътилининг давомийлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 26 июндаги 263-сон қарори билан тасдиқланган “Педагог ходимлар учун йиллик узайтирилган меҳнат таътили давомийлиги Меъёрлари”га мувофиқ белгиланади.

Техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлари учун белгиланган йиллик узайтирилган меҳнат таътили мазкур келишувнинг

иловасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизими ходимлари учун белгиланган йиллик узайтирилган меҳнат таътили ва қўшимча таътиллار давомийлиги”га асосан белгиланади.

Таълим ташкилотлари меҳнатга ҳақ тўлаш учун мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда лавозим маошларига табақалаштирилган устамалар белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришнинг турли шакллари қўллашга ҳақли (МК.501-модда)”.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммаמידа қолдираман.

Ўзбекистон Республикаси
Мактабгача ва мактаб
таълими вазири
Х.Умарова



2023 йил “27” июнь . 23-кк

Ўзбекистон таълим ва фан
ҳодимлари қасаба уюшмаси
Республика кенгаши раиси
Р.Бедилов



2023 йил “27” июнь 7 “с”



Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазириликдан рўйхатдан ўтказилган



Ўзбекистон Республикаси Мактабга ва мактаб таълими вазирилик хамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган тармоқ жамоа келишувига илова

Ўзбекистон Республикаси Мактабга ва мактаб таълими вазирилик тизими ходимлари учун белгиланган йиллик узайтирилган меҳнат таътили ва кўшимча таътиллار давомийлиги

Лавозимлар номи	Йиллик узайтирилган меҳнат таътили(календарь кунда)	Битта ташкилотда ёки тармоқда кўп йиллик иш стажини кўшимча меҳнат таътили** (МК 220-моддасига асосан ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саккиз календарь кундан кўп бўлмаган)	12 ёшга тўлмаган болалар ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлганларнинг ота-онасидан бирига ҳар йили камида тўрт календарь кун (МК 401-моддасига асосан)
1. Умумий ўрға таълим муассасалари: бошланғич мактаб, умумий ўрға таълим мактаби, айрим фанларга ихтисослаштирилган умумтаълим мактаблари ва мактаб-интернатлари, Президент мактаблари, Ижод мактаблари, Жисмоний, ақлий, сенсор ёки рухий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари, Санаторий туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари, Республика ўқув-тарбия муассасалари:			
Шифокор(барча турдаги)	44	2-8	4
Ҳамширалар (барча турдаги)	44	2-8	4
Кутубхона мудир, кутубхоначи, лаборант, таржимон-котиба, тиббий пункт мудир, жисмоний тарбия билан даволоччи йўриқчи, жисмоний тарбия йўриқчиси, сузиш бўйича йўриқчи, меҳнат бўйича йўриқчи	27	2-8	4
Юрисконсульт, бош бухгалтер, бухгалтер, кассир (газначи), кичик мутахассис, кадрлар бўйича менежер (инспектор), паспортист, раҳбар котибаси, котиба-иш юритувчи, кир ювиш машинисти (қўлда ювилганда), бош ошпаз, ошпаз, омбор мудир, омборчи, хўжалик бекаси (кастелянша), гардеробчи, автобус хайдовчиси	27	2-8	4

<p>Ошхона ишчиси, юмшок буюмлар бекаси, чойшаб тарқатувчи, устахона мудири, пойабзал таъмирловчи уста, тикувчи, кир ювувчи, кир ювиш машинисти (кир ювиш машинасида ювилганда), сартарош, ётоқхона навбатчиси, руҳсатнома бериш бюроси навбатчиси, чойшаб тарқатувчи, ёрдамчи ишчи, музей кузагувчиси, бино коменданги, лифтчи, протезчи техник, массажчи, гипс бўйича техник, санитар-энага (санитарка), хизмат кўрсатувчи техниклар</p>	21	2-8	4
<p>Автомобиль хайдовчи (енгил), хизмат хонаси фарроши, ховли супурувчи, боғбон, қоровул (назоратчи), бино ишчиси, электромонтёр, чилангар (сантехник), дурадгор, хаммомчи, хлорлаш қурилмаси дезинфектори, ўт ёқувчи (мавсумий бўлмаган)</p>	21	2-8	4
<p>2.Жисмоний ёки психик ва ақлий ривожланишида нуқсонли болалар учун ихтисослаштирилган ҳамда реабилитация марказига эга бўлган давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари</p>			
<p>Шифокор(барча турдаги), ўрта тиббиёт ходимлари, тиббиёт хамшираси жумладан, тунги вақт учун</p>	27	2-8	4
<p>Юрисконсулт, бош бухгалтер, етакчи бухгалтер, бухгалтер, кадрлар бўйича мутахассис, бухгалтер-кассир</p>	27	2-8	4
<p>Тиббий жисмоний тарбия бўйича йўриқчи, йўриқчиметодист, тиббий рўйхатдан ўтказувчи, укаловчи (массажчи)</p>	27	2-8	4
<p>Бош ошпаз, ошпаз, омбор мудири, омборчи, хўжалик мудири, чойшабларни ювувчи машинист (қўлда ювилганда), автобус хайдовчиси</p>	27	2-8	4
<p>Ошхона ишчиси, автомобиль хайдовчи (енгил), ўт ёқувчи (мавсумий бўлмаган), чилангар-сантехник, электромонтёр, чойшабларни ювувчи машинист (кир ювиш машинасида ювилганда), хизмат хонаси</p>	21	2-8	4

фарроши, ҳовли супурувчи, санитар-энага, қоровул, боғбон, тиббий асбоб-ускуналарни таъмирлаш бўйича механик					
3. Ҳумумий турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари					
EMIS маркази раҳбари, IT бўйича мутахассис	27	2-8			4
Ўрта тиббиёт ходимлари, тиббиёт ҳамшираси жумладан, тунги вақт учун	27	2-8			4
Даволовчи жисмоний тарбия йўриқчиси, йўриқчи методист	27	2-8			4
Бош ошпаз, ошпаз, автобус ҳайдовчиси, хўжалик мудури, чойшабларни ювувчи машинист (қўлда ювилганда), иш юритувчи	27	2-8			4
Ўт ёқувчи (мавсумий бўлмаган), чилангар-сантехник, электромонтёр, дезинфектор, чойшабларни ювувчи машинист (қир ювиш машинасида ювилганда), хизмат хонаси фарроши, ҳовли супурувчи, қоровул, боғбон, ошхона ишчиси, бино ва иншоотларга комплекс хизмат кўрсатувчи ҳамда таъмирловчи ишчи ходимлар	21	2-8			4
4. Баркамол авлод болалар мактаблари					
Хўжалик мудури, сайёҳлик базаси мудури	27	2-8			4
Бўлим бошлиғи, бош бухгалтер, бухгалтер, юрисконсулт, ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис, мониторинг бўйича мутахассис, медиа бўйича бош мутахассис, сайёҳлик базаси бош мутахассиси, ахборот технологиялари бўйича мутахассис, маданий-оммавий тадбирлар ташкилотчиси, сайёҳат ташкилотчиси, экскурсовод, тиббий ҳамшира, ошпаз	27	2-8			4
Ошпаз ёрдамчиси, хўжалик бекаси (кастелянша), қир ювувчи, ётоқхона навбатчиси, безакчи рассом, аккомпаниатор (жўрनावоз), кийиниш хонаси навбатчиси	21	2-8			4

Муסיқа чолғуларини созловчи, фондларни сақловчи, ўт ёқувчи (мавсумий бўлмаган), хизмат хонаси фарроши, ховли супурувчи, боғбон, қоровул, хайдовчи, электромонтёр, чилангар-сантехник, дурадгор, бино ишчиси	21	2-8	4
5. Ўқувчи ёшлар маркази			
Бош бухгалтер, кадрлар бўйича инспектор, муҳандис, маданий-оммавий тадбирлар ташкилотчиси, қотиба-иш юритувчи, омбор мудир	27	2-8	4
Ошпаз ёрдамчиси, хўжалик бекаси (кастелянша), кир ювувчи, ётоқхона навбатчиси, либосхона мудир, безакчи расом, аккомпаниатор (жўрнавоз)	21	2-8	4
Хизмат кўрсатувчи ва ишчи ходимлар (ўт ёқувчи (мавсумий бўлмаган), хизмат хонаси фарроши, ховли супурувчи, боғбон, қоровул, ишчи, автобус хайдовчиси, автомобиль хайдовчи (енгил), электромонтёр, чилангар-сантехник	21	2-8	4
6. Болалар кутубхонаси			
Директор, директор ўринбосарлари	27	2-8	4
бўлим бошлиғи, услубчи, юрисконсулт, иш юритувчи, маданият ишлари бўйича ташкилотчи, кутубхоначи, шўба мудир-библиограф, бухгалтер,	27	2-8	4
Қийиниш хонаси навбатчиси, ўт ёқувчи, фаррош, ховли супурувчи, боғбон, хайдовчи, электромонтёр, чилангар-сантехник, бино ишчиси, қоровул	21	2-8	4
7. “Меҳрли мактаб” давлат таълим муассасаси			
Бош бухгалтер, кадрлар билан ишлаш бўйича инспектор, хўжалик мудир, тарбиячи ёрдамчиси, қотиба	27	2-8	4
Хизмат кўрсатувчи ходимлар	21	2-8	4
8. Меҳрибонлик уйлари			
Шифокор(барча турдаги)	42	2-8	4
Ҳамширалар (барча турдаги)	36	2-8	4

Юрисконсулт, бош бухгалтер, бухгалтер, кадрлар буйича менежер (инспектор), кутубхона мудир, кутубхоначи, тарбиячи ёрдамчиси	27	2-8	4
Жисмоний тарбия билан даволловчи йуриқчи, сузиш буйича йуриқчи, бош ошпаз, ошпаз	27	2-8	4
Омборчи, чойшаб таркатувчи, тикувчи, ёрдамчи ишчи, махсус кийим (чойшаб)ларни ювувчи машинист, сартарош, пойфазал таъмирловчи уста, техник, автобус хайдовчиси, автомобил хайдовчи (енгил), коровул, ховли супурувчи, боғбон, ўт ёқувчи (мавсумий бўлмаган), хизмаг хонаси фарроши, бино ишчиси, электромонтёр, чилангар-сантехник, дезинфектор	21	2-8	4
9. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вазирлик хузуридаги агентлик ҳамда худудий мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари, туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари			
Барча ходимлар	27	2-8	4
Хизмаг кўрсатувчи ва техник ходимлар	21	2-8	4

10. Вазирлик тизимидаги олий таълим муассасалари, академик лицейлар, коллежлар, касб-хунар таълими муассасалари, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотлари, Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази*

T/P	Лавозимлар категориялари	Асосий таътил кунлари (МК, 217-модда)	Қўшимча таътил кунлари (МК, 219-модда)	Тармоқ ёки ташкилотларда кўп йиллик иш стажы учун ҳар беш йил учун 2 кундан 8 кунгача (МК, 220-модда)	12 ёшга тўлмаган болалар ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлганларнинг отонасдан бирига (МК, 401-модда)
1	Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари	27	3	2-8	4
2	Маъмурий-бошқарув ходимлари	21	9	2-8	4
3	Ўқув-ёрдамчи ходимлар	21	9	2-8	4
4	Техник ходимлар	21	3	2-8	4
5	Хизмат кўрсатувчи ходимлар	21	3	2-8	4
6	Касаба уюшма кўмитаси раиси	21	9	2-8	4

Изоҳ:

*-Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимидаги барча ташкилот ва муассасалар ходимларига бериладиган асосий ва қўшимча таътил кунлари муддатлари татбиқ қилинади.

**-Бунда, битта ташкилотда ёки тармоқдаги фаолиятдан қатъий назар юрисконсулт, бухгалтер, кадрлар иши бўйича масъул, иқтисодчи, архивариус, девонхона ходими учун давлат ташкилотларидаги меҳнатига кўп йиллик иш стажы учун ҳар йилги қўшимча меҳнат таътили мазкур ҳужжатда белгиланган миқдорларда ҳисобланади.

- Табиий-иқлим ва ماشий шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишловчи ходимларга Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан белгиланган ҳар йили бериладиган қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўшиб ҳисобланганда 56 календарь кундан ошиб кетиши мумкин эмас.

- ишлат бирлигига бошқа лавозимлар киритилган тақдирда, ушбу жадвалга ва Тармоқ жамоа келишувига ўзгартириш киритилади ва Меҳнат кодексининг 88-моддасига мувофиқ, хабардор қилиш тартибида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекциясидан рўйхатдан ўтказилади.

-МК 502-моддасига кўра, тиббиёт ходимлари учун узайтирилган таътил давомийлиги белгиланганда ушбу ҳужжатга ўзгартириш киритилади.



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGI
MINISTRY OF EMPLOYMENT AND POVERTY REDUCTION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
100047, Toshkent shahar, Istiqlol ko‘chasi, 51-uy Tel: (+998 71) 203-01-54
www.mehnat.uz, e-mail: info@mehnat.uz, bandlik@exat.uz

2023-yil 13-iyul

01/00-04/14-6211-son

**O‘zbekiston ta’lim va fan
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashiga**

O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi 2023-yil 3-iyundagi SHD-5/145-sonli xatga javoban quyidagilarni ma’lum qiladi.

O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligi xamda O‘zbekiston ta’lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi o‘rtasida 2023-2025-yillar uchun tuzilgan tarmoq jamoa kelishuviga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risidagi qarori O‘zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 88-moddasiga asosan 125-B son bilan bildirish ro‘yxatidan o‘tkazildi.

Vazir o‘rinbosari



E.Muxitdinov